

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 03/30.12.2019 Psi.72.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОСТОНОВ ЖАСУР ШОПИРЖОНОВИЧ

ЎСМИРЛАРДА КОПИНГ ХУЛҚ-АТВОР ОМИЛЛАРИ
ШАКЛЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК
МЕХАНИЗМЛАРИ

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
психологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on the Psychological
Sciences**

Остонов Жасур Шопиржонович

Ўсмирларда coping хулқ-атвор омиллари шаклланишининг ижтимоий
психологик механизмлари 3

Остонов Жасур Шопиржонович

Социально-психологические механизмы формирования coping-
поведенческих факторов у подростков 21

Ostonov Jasur Shopirjonovich

Social psychological mechanisms of formation of coping behavioral factors in
adolescents 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 03/30.12.2019 Psi.72.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОСТОНОВ ЖАСУР ШОПИРЖОНОВИЧ

ЎСМИРЛАРДА КОПИНГ ХУЛҚ-АТВОР ОМИЛЛАРИ
ШАКЛЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК
МЕХАНИЗМЛАРИ

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/P228 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасининг (www.psi-ik.uz) ҳамда “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Баратов Шариф Рамазонович
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич
психология фанлари доктори, доцент

Мухторов Эркин Мустафоевич
психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги PhD03/30.12.2019 Psi.72.06. рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 25 “ноябрь” кuni соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Бухоро шаҳри Муҳаммад Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел: +99865-221-29-14; факс 221-57-27 Бухоро Давлат университети бош биноси, 2-қават анжуман зали).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2 рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: Бухоро шаҳри Муҳаммад Иқбол кўчаси 11-уй, Тел: +99865221-29-14; факс: +99865221-27-07; Бухоро Давлат университети бош биноси 2-қават.

Диссертация автореферати 2022 йил “11” ноябрь кuni тарқатилди.
(2022 йил “11” ноябрь даги 4/1232 рақамли реестр баённомаси).



О.Х. Ҳамидов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

А.М. Назаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

У.Д. Қодиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, психология фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда копинг хулқ-атвор муаммоси ҳамиша инсоният олдида турган энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келган. Зеро, инсоннинг ижтимоий тараққиёти, шахс сифатидаги фаоллиги ва ўзини ўзи ривожлантира бориши кўп жиҳатдан ушбу муаммонинг ижобий ҳал қилинишига боғлиқ бўлиб қолмакда.

Жаҳонда ўсмирларнинг психологик имкониятларини тадқиқ қилиш бўйича бугунги инновацион усулларни қўллаш орқали янги ижтимоий-психологик натижаларни қўлга киритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда, жамият аъзолари ўзларининг маълум доирадаги психологик имкониятлари, ютуқ ва камчиликлари ҳақида етарли маълумотга эга бўлсалар, бу уларнинг ҳаётда учрайдиган турли қийинчиликларни осонлик билан енга олишга, ўз имкониятларидан янада унумли фойдалана олишга, ўзлари ҳақида янада чуқурроқ, тасаввурларнинг шаклланишига имконият яратади.

Республикамизда сўнги йилларда кундалик турмуш тарзида психологик муаммолар ва қарама-қаршиликлар мавжудлиги боис, инсон доимий равишда турли кўринишдаги қийинчилик ва қаршиликни енгиб ўтиш, вазиятга мослашиш ҳамда зиддиятларни бартараф этишга интилади. Психологик копинг хулқ-атвор стратегиялари эса инсоннинг мураккаблашган қийин вазият талабига кўникишини таъминлашга хизмат қилади. Қийинчиликларни енга олиш стратегияси шахс хулқ-атвори кучини намоён этиб, ташқи ёки ички факторларни бошқаришга йўналганлиги билан алоҳида характерланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ - 60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида¹» Фармони, 2017 йил 7 июлдаги ПФ-5106-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»²ти, ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозиргача соҳа мутахассисларидан кўпчилиги психологик ҳимоя механизмлари муаммоларининг айрим жиҳатларини ўз изланишлари орқали ўрганганлар. Жумладан, мамлакатимизда ўсмирлардаги психологик муҳофаза имкониятларини ижтимоий тасаввурлар асосида шакллантириш доирасида В.М.Каримова ва унинг шогирдлари, Ғ.Б.Шоумаров ва унинг шогирдлари, ўсмирларда психологик ҳимоя механизмлари, ўсмирлардаги ақлий тараққиёт

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ - 60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида

динамикаси доирасида Э.Ғ.Ғозиев ва унинг шогирдлари, ўсмир автономиясини тадқиқ қилиш доирасида шунингдек, казусли вазиятларда спортчи эмоционал ҳолатини коррекциялаш доирасида Ш.Р.Баратов ва Н.С.Сафоев ҳамда уларнинг шогирдлари томонидан муайян даражадаги илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Илмий тадқиқотчи А.Ҳ.Убайдуллаев томонидан ёшлардаги хавф-хатар ҳисси билан боғлиқ номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган.

Рус олимлари томонидан А.Н.Леонтьев, А.В.Петровский, В.С.Мерлин, В.В.Столин, В.Г.Каменская, В.М.Русалов, Г.М.Андреева, Н.С.Лейтес, О.А.Конопкин, Иван Огневларнинг, “Психологик ҳимоя ва низолар тизимидаги мотивациялар” асари психологик ҳимоя механизмлари талқинига бағишланган. Жумладан, муаллиф хилма-хил низоли вазиятлар таъсирида инсондаги турлича ахлоқий қарашларнинг мавжудлигини маълум ҳимоя воситалари “Эго-ҳимоя” механизмлари орқали асослаб беради.

Хориж психологларидан Г.Оллпорт, Д.Майерс, Э.Кречмер, З.Фрейд, К.Томасларнинг олиб борилган илмий изланишларида ушбу муаммо тўғрисида шарҳлар берилган. Шундай бўлсада, юқоридаги тадқиқотларнинг бирортасида ҳам ўсмирлик ёшидаги копинг хулқ-атвор стратегиялари ва унинг ўзига хос ижтимоий психологик жиҳатлари алоҳида тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаган. Буларнинг барчаси, бизнингча, бугунги кунда ҳар бир ўсмир учун характерли бўлган копинг хулқ-атвор ва енга олиш стратегияси доирасидаги ўзига хос ижтимоий психологик хусусиятларни илмий-амалий асосда янада чуқурроқ ўрганиш, тадқиқ қилишнинг муқаррарлигини тақозо этмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий тадқиқот режасига мувофиқ ЁА-1-9 “Аҳолининг турли қатламларига психологик хизмат кўрсатиш амалиёти” (2016-2017) номли амалий ва ОТ-Ф1-002 “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари” (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўсмирлик давридаги копинг хулқ-атвор омиллари шаклланишининг ижтимоий психологик механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўсмирларда адаптив копинг хулқнинг шаклланишида гендер тафовутларининг мавжудлигини аниқлаш;

ўсмир фаолиятига хизмат қилувчи асосий копинг хулқ-атвор стратегияларини аниқлаш;

ўсмирларда копинг хулқ-атвор шаклланишидаги гендер фарқларини ўрганиш;

ўсмирлик даврида копинг хулқни коррекциялаш бўйича тегишли амалий тавсияларни ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўсмирларда копинг хулқ-атвор омиллари шаклланишининг ижтимоий психологик механизмлари жараёни бўлиб Бухоро ва Навоий вилоятларидага умумтаълим мактабларининг 5 ва 9-синф ўқувчилари орасидан жами 650 нафар ўқувчи танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини ўсмирлик ёшидаги копинг хулқ-атвор стратегиялари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида суҳбат, кузатиш, анкета, методларидан, шунингдек, Лазарус копинг-тести, Стрессли вазиятдаги копинг хулқ-атвор методикаси (С.Норман, Д.Ф.Эндлер, Д.А.Джеймс, М.И.Паркер Т.А.Крюкованинг мослаштирилган варианты), Д.Амирханнинг Стрессни енга олиш хулқ-атворини диагностика қилиш методикаси (стрессли вазиятдаги копинг хулқ-атвор) методикаси, Айзенкнинг “Шахс хусусиятларини аниқлаш услуби” методикаси ҳамда контент-таҳлил, К.Пирсоннинг r-корреляцияси, Стъудентнинг t - мезони ва маълумотларни қайта ишлаш SPSS дастури имкониятларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўсмирларда адаптив копинг хулқни шаклланишида қиз болаларда эмоционал мослашув, ўғил болаларда когнитив-копинг стратегияларини устиворлиги туфайли гендер тафовутларни мавжудлиги далилланган;

ўсмирларнинг копинг хулқ-атворини шаклланишида интроверт ҳамда нейротизм типларининг стрессга бақарорлигини пастлиги, экстрровертларда эса аксинча ҳиссий турғунликнинг дифференциал ривожланиши туфайли эмоционал психологик хусусиятлар етакчи омил эканлиги далилланган;

ўсмирларда копинг хулқ-атвор шаклланишида қиз болаларда эмоцияга йўналган копинг, ўзини четга олиш шкаласи ичидан ижтимоий чалғиш, ўғил болаларда ўзини четга олиш шкаласи ичидан бош тортиш, чалғиш субшкаласи, ўзини четга олиш шкаласи ичидан ижтимоий чалғиш стратегияларининг юқорилилиги туфайли дифференциал фарқлар мавжудлиги асосланган;

ўсмирлик даврида копинг хулқни коррекциялашда стрессга барқарорликни ижтимоий ва эмоционал интеллект билан уйғун ривожлантириш муҳимлигига кўра эго компетентликни шакллантириш зарурати далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўсмирлар учун ишлаб чиқилган тизимли модел уларда продуктив копинг ва муваффақиятли енга олиш малакаларини шакллантиришга ёрдам беради;

Ташкил қилинган тренинг дастурлари ўсмирлик даврида копингнинг адекват кечишини таъминлайди;

Илмий тадқиқот ишида келтирилган маълумот ва материаллардан келгусида мактаб, коллеж, академик лицей психологлари, педагоглар ва ўсмирлар билан профессионал ишловчилар фойдаланишлари мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган услубларнинг валидлиги, ишончлилиги, танланган объектларнинг репрезентативлиги, статистик қайта ишлаш усулларининг ўринлилиги, натижаларнинг компьютер учун махсус тузилган дастурда қайта ишланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ўсмирларда копинг хулқ-атвор хусусиятларини тадқиқ қилишда, улардаги стрессли вазиятларни таҳлил қилиш ва уларнинг ўзига хос жиҳатларини ифодаловчи механизмларнинг психологик мазмуни, моҳияти

тавсифланган илмий хулосалардан педагогика ва психология йўналишларидаги ишларда манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан “Умумий психология”, “Онтогенез психологияси”, “Психодиагностика ва экспериментал психология” фанларидан ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрлашда; ўқувчиларни руҳий жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялаш орқали улардаги таълим сифатини яхшилашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўсмирларда копинг хулқ-атвор омиллари шаклланишининг ижтимоий психологик механизмлари ўрганиш асосида:

ўсмирларда адаптив копинг хулқнинг шаклланишида қиз болаларда эмоционал мослашув, ўғил болаларда когнитив-копинг стратегияларини устиворлиги туфайли гендер тафовутларнинг мавжудлиги далилланганлигига оид тавсиялар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 19 апрелдаги 18-а-сонли буйруғига биноан «Ривожланиш психологияси» модулига сингдирилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 19 апрелдаги № ПМ-18-а-сонли маълумотномаси). Натижада тренерлар учун ўсмирларда копинг хулқ-атвор омиллари шаклланишининг ижтимоий-психологик механизмларини ўрганиш бўйича доимий тренинг дастури яратилган;

ўсмирларнинг копинг хулқ-атворининг шаклланишида интроверт ҳамда нейротизм типларининг стрессга бақарорлигининг пастлиги, экстрровертларда эса аксинча ҳиссий турғунликнинг дифференциал ривожланиши туфайли эмоционал психологик хусусиятларнинг етакчи омил эканлиги далилланган тавсиялар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 19 апрелдаги 18-а-сонли буйруғига биноан «Шахслараро муносабатлар психологияси» модулига киритилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 19 апрелдаги № ПМ-18-а-сонли маълумотномаси). Натижада ўсмирларнинг копинг хулқ-атворини шакллантиришнинг ҳиссий-когнитив компонентларини дидиагностика қилишнинг услубий таъминотини такомиллаштиришга эришилган;

ўсмирларда копинг хулқ-атвор шаклланишида қиз болаларда эмоцияга йўналган копинг, ўзини четга олиш шкаласи ичидан ижтимоий чалғиш, ўғил болаларда ўзини четга олиш шкаласи ичидан бош тортиш, чалғиш субшкаласи, ўзини четга олиш шкаласи ичидан ижтимоий чалғиш стратегияларини юқорилилиги туфайли дифференциал фарқлар мавжудлиги асосланган тавсиялар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 19 апрелдаги 18-а-сонли буйруғига биноан «Касб психологияси» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 19 апрелдаги ПМ-18-а-сонли

маълумотномаси). Натижада ўсмирларда копинг хулқ-атвор омилларини ўрганишнинг методик асосларини такомиллаштириш модели яратилган;

ўсмирлик даврида копинг хулқни коррекциялашда стрессга барқарорликни ижтимоий ва эмоционал интеллект билан уйғун ривожлантириш муҳимлигига кўра эго компетентликни шакллантириш заруратига оид илмий маълумотлар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 19 апрелдаги 18-а-сонли буйруғига биноан «Умумий психология» модулига киритилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 19 апрелдаги ПМ-18-а-сонли маълумотномаси). Натижада ўсмирларда копинг хулқ-атвор омиллари шаклланишида салбий муносабатлардан сақланиш, эмоционал ҳолатларда ёрдам беришга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 11 та илмий иш чоп этилган бўлиб, улардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та илмий мақола, жумладан, 5 та республика ва 5 та хорижий журналларда нашр этилган.

Тадқиқот ишнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 150 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммони ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, ишнинг фан ва технологиялар ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг амалиётда жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Копинг хулқ-атвор хусусиятларини ўрганиш ижтимоий-психологик муаммо сифатида”** деб номланган биринчи бобида копинг хулқ-атвор муаммосининг бугунги ҳолати, механизмлари, асосий йўналиши билан боғлиқ назарий тушунчаларнинг таҳлилий шарҳи келтирилган, шунингдек, копинг хулқ-атвор муаммоларини ўрганишга доир манбалар таҳлили асосида ўсмирларда психологик муҳофаза имкониятлари очиб берилган. Жумладан, мазкур бобда копинг хулқ-атвор муаммоси бўйича хориж олимлари ҳамда мамлакатимиз психолог олимларининг мавзуга оид назарий қарашлари умумлаштирилган, копинг хулқ-атвор феноменининг ижтимоий-психологик омил сифатидаги хусусиятлари тадқиқ қилинган. Шунингдек, мазкур бобда ўсмирлардаги **копинг хулқ-атвор** муаммосини тадқиқ қилиш З.Фрейд, А.Фрейд, К.Хорни, В.А.Штроо, З.Фрейд, Д.Майерс,

Э.Кречмер, Г.Оллпорт, К.Томас Г.М.Андреева, В.С.Мерлин, В.В.Столин, А.Н.Леонтьев, Н.С.Лейтес, В.М.Русалов, О.А.Конопкин, А.В.Петровский, Иван Огнев каби таниқли олимларнинг илмий мушоҳадалари муайян даражадаги фундаментал ижтимоий-психологик тамойиллар асосида таҳлил қилинади.

Мамлакатимиз олимларидан Ғ.Б.Шоумаров, В.М.Каримова, Э.Ғ.Ғозиев, З.Т.Нишанова, А.М.Жабборовлар раҳбарлигида олиб борилган тадқиқотларда ҳам ўсмир шахсидаги стресс билан боғлиқ психологик ҳолатлар ўрганилган.

В.Г.Каменская томонидан психологик ҳимоя ва низолар тизимидаги мотивациялар бўйича олиб борилган тадқиқотларда муаллиф хилма-хил низоли вазиятлар таъсирида инсондаги турлича ахлоқий қарашларнинг мавжудлигини маълум ҳимоя воситалари “Эго-ҳимоя” механизмлари орқали асослаб беради.

Демак, юқоридаги назарий таҳлиллардан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, узоқ ва яқин хориж психологиясида стрессли вазиятлар ва эмоционал ҳолатларнинг юзага келиши, кечиши ва стрессни енга олиш стратегиялари кенг кўламда тадқиқ қилинади.

Диссертациянинг “**Ўсмирларда копинг хулқ-атвор хусусиятларини тадқиқ қилишнинг амалий асослари**” деб номланган иккинчи боби ўрганилаётган муаммонинг эмпирик таҳлилига бағишланган бўлиб, ушбу бобда тадқиқотнинг назарий-методологик асослари, тадқиқотда қўлланилган методларнинг умумий тавсифи, ўтказиш тартиби, олинган натижаларнинг таҳлили ва корреляцион боғланишлар таҳлили ўз аксини топган. Шунингдек, мазкур бобда тадқиқотимиз мақсадига мос танланган методикаларнинг қўлланилиши ва ундан кутилаётган натижалар ҳақида ҳам қисқача маълумот берилган. Жумладан, тадқиқотимизнинг дастлабки методикаси Д.Амирхан томонидан ишлаб чиқилган “**Ўсмирларда стрессли вазиятларда енга олиш стратегиялари**” деб номланган бўлиб, бунда ўсмирларнинг стрессни енга олиш стратегияларини намоён этувчи хулқ-атвор мотивацияси кўринишларига баҳо бериш мумкин.

1 – жадвал

Д.Амирхан методикаси бўйича ўсмирларда стрессни енга олиш стратегиялари намоён этилишининг ўрта умумий кўрсаткичлари (n=650)

Мотивация мезонлари	5-синф n=310				9-синф n=340			
	Йигитлар		Қизлар		Йигитлар		Қизлар	
	n ₁ =173	%	n ₂ =137	%	n ₁ =183	%	N ₂ =157	%
I. Муаммони ҳал қилишга йўналганлик	39	22	21	15	92	50	59	37
II. Ижтимоий қўллаб-қувватлашни кутишга йўналганлик	81	47	72	53	49	27	72	46
III. Муаммодан қочишга йўналганлик	53	31	44	32	42	23	26	17
Жами:	173	100	137	100	183	100	157	100

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу методика натижалари ўсмирларнинг стрессли вазиятда енга олиш стратегиялари юзасидан жуда муҳим эмпирик маълумотларга эга бўлиш имконини берди. Бу маълумотлар ўсмирларнинг стрессли вазиятларда эмоционал енга олиш стратегиялари билан боғлиқ тасаввурларини билишга ва шу тасаввурлар орқали ўсмирга тўғри психологик ёндашув йўлларини белгилаб олишга имкон яратади. Келтирилган жадвал ва расмлардаги рақамлардан шу нарса маълум бўладики, 5 ва 9-синф ўқувчилари орасида, яъни ўсмирликнинг бошланиши ва охирида стрессни енга олиш стратегиялари турлича даражада намоён бўлишини кўришимиз мумкин. Хусусан, умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синф ўқувчилари учун ($n=310$, йигитлар - $n_1=173$, қизлар - $n_2=137$) йигитларда “Стрессли вазиятларда муаммони ҳал қилиш стратегияси” 22% ни ташкил қилса, қизларда бу кўрсаткич 15% ни кўрсатган бўлса, бу ҳолат 9-синфга ($n=340$, йигитлар - $n_1=183$, қизлар - $n_2=157$) келиб яъни ўсмирликнинг охирида муаммони ҳал қилиш стратегияси йигитларда 50% ни ташкил қилса, қизларда бу кўрсаткич 37% миқдорда намоён этилади. “Стрессли вазиятларда ижтимоий қўллаб-қувватлашни кутишга йўналганлик” стратегияси бўйича 5 синф йигитларида 47 %ни, қизларда 53%, 9-синф йигитларда 27%ни, қизларда эса бу кўрсаткич 46 %ни ташкил этди. Чунончи, йигитларда ҳам, қизларда ҳам бу кўрсаткич 5-синфга нисбатан 9-синфда пастлигини кўришимиз мумкин. Сўнги омилимиз “Муаммодан қочишга йўналганлик” стратегияси бўйича 5 синф йигитларида 31 %, қизларда бу кўрсаткич 32%, 9-синф йигитларда 23 %, қизларда эса 17 % кўрсатди.

Навбатдаги методикамиз Лазарус томонидан таклиф этилган “Ўсмирларда копинг хулқ-атвор кўрсаткичларининг биринчи мезони сифатида қабул қилинган муаммоли вазиятларда копинг хулқ-атвор механизмлари кўрсаткичлари” деб номланган. Мазкур методика омиллари асосида ўсмирларда ҳаётий қийин вазиятлардаги хулқ-атворга алоқадор копинг хулқ-атвор мезонларига боғлиқ хусусиятлар маълум даражада таҳлил қилинади.

2 – жадвал

Лазарус методикаси бўйича ўсмирларда копинг хулқ-атвор намоён этилишининг ўрта умумий кўрсаткичлари ($n=650$)

Шкалалар Иштирокчилар	5-синф $n=310$				9-синф $n=340$			
	Йигитлар		Қизлар		Йигитлар		Қизлар	
	$n_1=173$	%	$n_2=137$	%	$n_1=183$	%	$n_2=157$	%
Конфронтацион копинг	15	8,6	18	13,5	19	10,3	24	15,2
Масофа сақлаш	18	10,6	29	21,1	23	12,5	22	14,2
Ўз-ўзини назорат қилиш	11	6,3	14	10,2	22	12,3	21	13,3
Ижтимоий қўллаб-қувватлашни излаш	12	6,9	14	10,2	9	4,9	17	10,8
Жавобгарликни қабул қилиш	26	15,1	6	4,3	31	16,9	11	7,3
Ўзини четга олиш	24	13,8	34	24,8	16	8,7	28	17,6
Муаммони ҳал қилишни режалаштириш	50	28,9	10	7,2	44	24,1	20	12,7
Ижобий баҳолаш	17	9,8	12	8,7	19	10,3	14	8,9

Мазкур шкала таҳлили шуниси билан муҳимки, унда ўсмирларда ҳаётий қийин вазиятлардаги хулқ-атворга алоқадор копинг хулқ-атвор мезонларига боғлиқ хусусиятлар ҳам маълум даражада таҳлил қилинади.

Демак, Лазарус копинг-тести талаблари асосида модификация қилинган методика натижалари юқорида таъкидлаганимиздек, у ёки бу ўсмирнинг стрессли вазиятда копинг хулқ-атвор ҳақида тегишли эмпирик маълумотларга эга бўлиш имконини берди. Зеро, қўлга киритилган маълумотлар талқини ҳар бир ўсмирнинг копинг хулқ-атвор ҳақидаги тасаввурларини билишга ва шу тасаввурлар орқали ўсмирга тўғри психологик ёндашув йўлларини белгилаб олишга имкон яратади. Шундан келиб чиқиб, келтирилган жадвалдаги рақамлардан шу нарса маълум бўладики, 5 ва 9-синф ўқувчилари орасида, яъни ўсмирликнинг бошланиши ва охирида турли йўналишлар билан копинг хулқ-атвор даражалари турли-туман бўлиши ва ўсмирлар тасаввурида ўзига хос мотивацион динамикани ташкил этиш кузатилади. Хусусан, умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синф ўқувчилари учун ($n=310$, йигитлар - $n_1=173$, қизлар - $n_2=137$) конфронтацион копинг йигитларда 8,6 % ни ташкил қилса, қизларда бу кўрсаткич 13,5% ни кўрсатган бўлса, бу ҳолат 9- синфга ($n=340$, йигитлар - $n_1=183$, қизлар - $n_2=157$) келиб яъни ўсмирликнинг охирида конфронтацион копинг йигитларда 10,3 % ни ташкил қилса, қизларда бу кўрсаткич 15,2% даги кўламни кўрамай. Масофа сақлаш шкаласи бўйича 5 синф йигитларида 10,6 % ни, қизларда 21,1 %, 9-синф йигитларда 12,5% ни, қизларда эса бу кўрсаткич 14,2% ни кўрсатди. Чунончи, йигитларда бу кўрсаткич 5-синфга нисбатан 9-синфда кўтарилганлигини, қизларда эса аксинча, 6,9% га пастлигини кўришимиз мумкин.

Ўз-ўзини назорат қилиш шкаласи бўйича 5-синф йигитларда 6,3%, қизларда 10,2 %, 9-синф йигитларда 12,3%, қизларда 13,3% ни ташкил қилган бўлса, Ижтимоий қўллаб-қувватлашни излаш шкаласи бўйича эса йигитларда 6,9% ни, қизларда 10,2% ни, 9-синф ўқувчиларида бу шкала бўйича йигитларда 4,9%, қизларда 10,8% ни кўрсатиши 9-синф қизларида йигитларга нисбатан ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг юқори эканлигини қайд этиш лозим. Чунончи, 5-синф ўқувчиларига нисбатан 9-синф ўқувчиларида стрессли вазиятларда ижтимоий қўллаб-қувватлаш пасайганлигини кўрамай, мазкур рақамлар орасидаги психологик қонуниятлар шундаки, бунда ўсмирлик ёши ошган сари ижтимоий қўллаб-қувватлаш кўрсаткичлари нисбатан пасайиб боради. Жавобгарликни қабул қилиш шкаласи бўйича 5-синф йигитларида 15,1% ни, қизларда бу кўрсаткич 4,3% ни ташкил қилиши 5-синф ўқувчи қизларда стрессли вазиятларда жавобгарликни қабул қилиш даражасининг пастлигидан далолат беради. 9-синфда ҳам худди шундай ҳолатни, яъни йигитларда 16,9 %, қизларда 7,3% кўрсаткичга эга эканлигини кузатишимиз мумкин.

Методиканинг қочиш пунктлари шкаласи бўйича 5-синф йигитларда 13,8% ни ташкил қилиб, бу кўрсаткич қизларда 24,8% да бўлиши стрессли вазиятларда ўсмирликнинг дастлабки босқичида муаммоли вазиятни баргараф этишдан кўрача ундан қочиш ҳолатининг устун кўринишда эканлиги

билан ажралиб туради. Кейинги шкала бўйича олинган маълумотларни таҳлил қилганимизда ҳам, муаммони ҳал қилишни режалаштириш йигитларда стресслиги вазиятларга копинг хулқ-атворнинг бу кўрсаткич бўйича қизларга нисбатан юқори эканлигини алоҳида аҳамият касб этади. Қолаверса, 5-синф қизларга нисбатан 9-синф қизларда бу кўрсаткич юқори даражада намоён бўлиши ўсмирларнинг улғайиши ва дунёқарашининг кенгайиши билан боғлиқ жараён сифатида намоён бўлади. Ижобий баҳолаш шкаласида эса, 5 ва 9 -синфларда деярли бир хил кўрсаткич қайд этилганлигини кўришимиз мумкин (2 – жадвал). Умуман, тадқиқот давомида қўлланилган Лазарус методикаси асосида олинган эмперик натижалар ўсмирлик даврининг бошланиши ва охирига келиб белгиланган 8 та мезон бўйича ўсмирларда копинг-хулқ атвор мотивациясининг бевосита шаклланишига таъсир этувчи етакчи омиллар ҳақида муайян тасаввурларимизни бойитишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Энди, С.Норман, Д.Ф.Эндлер, Д.А.Джеймс, М.И.Паркер томонидан ишлаб чиқилган “Стрессли вазиятдаги копинг хулқ-атвор” усули орқали респондентларимиздан олинган дастлабки умумий статистик таҳлилларга ўтамиз.

3 – жадвал

Ўсмирларда стрессли вазиятларда жавоб реакцияси намоён этилишининг ўртача умумий кўрсаткичлари²

Шкалалар	5-синф $n=310$				9-синф $n=340$			
	Йигитлар		Қизлар		Йигитлар		Қизлар	
	$n_1=173$	%	$n_2=137$	%	$n_1=183$	%	$n_2=157$	%
Иштирокчилар								
Топшириқни ҳал қилишга йўналган копинг	37	21	23	17	76	41	43	37
Эмоцияга йўналган копинг	59	34	54	40	45	25	53	34
Ўзини четга олишга йўналган копинг	77	45	59	43	62	34	61	39
А) Ўзини четга олиш шкаласи ичидан бош тортиш, чалғиш субшкаласи	31	60	36	39	29	47	37	61
Б) Ўзини четга олиш шкаласи ичидан ижтимоий чалғиш субшкаласи	46	40	23	61	33	53	24	39

Юқорида таъкидлаганимиздек, ўсмирларда стрессли вазиятларда стрессни енга олиш хулқ-атвор кўрсаткичларини таҳлил қилиш ўсмир шахси

² (С.Норман, Д.Ф.Эндлер, Д.А.Джеймс, М.И.Паркер; Т.А.Крюкованинг мослаштирилган варианты)

ижтимоий психологик тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, бу жараённинг кечишида жинс ва ёшга оид омилларнинг ҳам ўзига хос ўрни бўлиши табиий. Шу нуқтаи назардан, ўсмирларга хос бўлган стрессни енга олиш хулқ-атвори ва унинг имкониятлари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш учун ўсмирлар гуруҳи билан алоҳида тадқиқотлар олиб борилди. “Стрессли вазиятдаги копинг хулқ-атвор” усули орқали олинган эмпирик маълумотларга кўра 5-синф йигитларида энг юқори кўрсаткич 60% “Ўзини четга олиш шкаласи ичидан бош тортиш, чалғиш субшкаласи” бўлса, қизларда 61 % “Ўзини четга олиш шкаласи ичидан ижтимоий чалғиш субшкаласи” ни кўрсатди. 9-синф йигиларда ушбу методика бўйича энг юқори кўрсаткич 53 % “Ўзини четга олиш шкаласи ичидан ижтимоий чалғиш субшкаласи” бўлса, қизларда эса 61 % “Ўзини четга олиш шкаласи ичидан бош тортиш, чалғиш субшкаласи”ни кўрсатди.

4 - жадвал

“Шахс хусусиятларини аниқлаш” ва “Стрессни енга олиш стратегиялари” мезонлари методикаси бўйича ўзаро корреляцион боғлиқлик кўрсаткичлари (n=320)

№	Мезонлар	Муаммони ҳал қилиш	Ижтимоий қўллаб-қувватлашни кидириш	Муаммодан қочиш
1	Экстрове́рт	,592(*)	,798(*)	-,779(*)
2	Интрове́рт	,524	-,816(*)	,448(*)
3	Нейротизм	-,014	,044	,816(*)

Тадқиқотимиз давомида Айзенкнинг “Шахс хусусиятларини аниқлаш услуги” методикаси доирасидаги мезонлар (экстрове́рт, интрове́рт, нейротизм) ва Д.Амирхан томонидан яратилган “Стрессни енгил стратегияси индикатори” методикаси мезонлари ўртасидаги корреляцион боғлиқликларга ҳам эътиборимизни қаратдик (4 - жадвал). Бунда ўсмирлар орасида шахс хусусиятлари ва стрессни енга олиш хусусияти ўртасида қуйидаги ўзаро боғлиқликлар кузатилди. Айти пайтда, “Шахс хусусиятларини аниқлаш услуги” услуги бўйича “Экстрове́рт” мезони “Муаммони ҳал қилиш” ,592(*), “Ижтимоий қўллаб-қувватлашни кидириш” ,798(*) мезонлари ўзаро мусбат корреляция берганини кўришимиз мумкин. Яъни, экстрове́рт ўсмирлар хулқ-атвори кўпроқ ташқарига йўналтирилган

бўлади, улар ўз хис-туйғуларини бошқалар билан баҳам кўриб яшашади, ҳамма билан киришиб кетишади, ўзига ишонган бўлишади, кўп дўст орттиришга интилишади, ўз хис-туйғуларини назорат қила олмайди ва кўп гапиришга мойил бўлишади.

Шунинг учун ҳам уларда муаммони ҳал қилиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни қидиришга бўлган мойиллик юқори бўлиши кузатилди. “Экстрове́рт” мезони Д.Амирхан методикаси шкаласи саналган “Муаммодан қочиш” -,779(*) билан манфий корреляция кўрсаткичлари намоён этилди. Бу шуни англатадики, экстрове́рт ўсмирлар ижтимоий муносабатларга яхши киришиши сабабли кўп ҳолларда турли кўринишдаги муаммолардан қочишга ҳаракат қилмас эканлар. Айзенкнинг “Шахс хусусиятларини аниқлаш услуги” методикасини навбатдаги шкаласи ҳисобланган “Интроверт” мезони “Ижтимоий қўллаб-қувватлашни қидириш” -,816(*) билан тескари боғлиқлиги аниқланди. Интроверт ўсмирлар камгап, ўз ички дунёсини ва хис-туйғуларини биров билан баҳам кўрмайдиган, дўстлари кам, ташқи томондан фақат ўйланиб юрадиган одамни эслатувчи шахс бўлганлиги сабабли уларда стрессли ҳолатларни енишда ўзаро шахслараро муносабатларга киришиш бир мунча қийин кечар экан. Бунинг натижасида уларда “Муаммодан қочиш” ,448(*) ҳолатлари ҳам кўпроқ кўзга ташланиши аниқланди. Нейротизм мезони ҳам “Стрессни енгиш стратегияси индикатори” бўйича “Муаммодан қочиш” ,816(*) мезони билан боғлиқлиги аниқланди. Яъни, нейротизм устунлик қилган ўсмирлар хиссиётга берилувчанликни, ортиқча хавотирни, доимо таранг ҳолатда юришни ва депрессияга мойиллиги туфайли доимий тарзда ўз ҳаётидаги баҳсли ҳолатлардан қочишга ҳаракат қилар эканлар.

Демак, мазкур бобда баён этилган маълумотларимиз ўсмирлардаги копинг хулқ-атвор хусусиятларини эмпирик тадқиқ этиш орқали уларга мос коррекцион дастурларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Диссертациянинг **“Ўсмирларда копинг хулқ-атвор омиллари намоён этилишининг эмпирик асослари”** деб номланган учинчи боби ўсмирларда стрессли вазиятлар таҳлили, стрессли вазиятларда жавоб реакциялари, стрессли ҳолатларни бартараф этишга қаратилган тренинглари дастури, ҳамда салбий ҳиссий-эмоционал ҳолатларни бартараф этишга йўналтирилган илмий амалий ишларнинг ўзига ҳос тарздаги ижтимоий-психологик самарадорлигини баҳолашга қаратилади.

Тадқиқот давомида олиб борилган психологик тренинглари турли-туман бўлиб, уларни таснифлаш турлича мезонларга асосланади. Агар психологик тренинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда таснифлайдиган бўлсак, уларни шартли равишда аниқ малакаларни шакллантириш тренингларида тортиб, то шахсий ривожланиш тренинглари гача ажратиш мумкин. Биринчи ҳолатда тренинг шахс ўзгаришига олиб келувчи аниқ хулқ-атвор намуналарини шакллантириш омили бўлиб гавдаланса, иккинчи ҳолатда асосий самара ички соҳада кузатилади, яъни дастлаб шахснинг ички дунёси (ўзини ўзи баҳолаш, мотивация,

кадриятлар тизими ва бошқалар), кейин эса хулқ-атвор ўзгаради. Шу билан бир қаторда тренингнинг самарадорлик мезонлари ҳам бири-бирдан фарқланади: айрим мезонлар объективдир (масалан, иштирокчиларда қандайдир малаканинг шаклланганлик даражаси), бошқа баъзи мезонлар субъективдир (масалан, иштирокчиларнинг ўз шахсий ҳолатидаги ўзгаришлар ҳақидаги ҳис-кечинмалар).

6 - жадвал

Тажриба ва назорат гуруҳларидаги Лазарус копинг-тест методикаси бўйича олинган натижаларнинг қиёсий-типик кўрсаткичлари (n=650)

Мезонлар	Экспериментдан олдин		Экспериментдан кейин		Фарқланиш	
	М	S	М	S	T	P
Конфронтацион копинг	10,17	0,50	14,71	0,47	4,35	0,01
Масофа сақлаш	11,01	0,51	14,13	0,46	3,61	0,05
Ўз-ўзини назорат қилиш	12,54	0,50	17,51	0,45	5,14	0,02
Ижтимоий қўллаб-	13,92	0,58	19,62	0,55	6,02	0,01
Жавобгарликни қабул қилиш	13,76	0,52	12,82	0,49	1,10	-
Ўзини четга олиш мезонлари	14,63	0,52	11,03	0,48	3,05	0,10
Муаммони ҳал қилишни режалаштириш	10,31	0,54	14,67	0,51	4,14	0,05
Ижобий баҳолаш	14,27	1,14	15,32	1,14	1,02	-

Лазарус копинг-тест методикаси бўйича ўсмирлардаги психотренинг дастуригача ва ундан кейинги ҳолатига кўра олинган натижаларнинг ўртача миқдорий қийматлари таққосланди. Тадқиқотимизнинг дастлабки босқичида, ўсмирларда копинг-стратегия қай даражада шаклланганлиги таҳлил қилинган эди. Ўсмирларда копинг-стратегия субшкालарини ижобий томонга ўзгартириш учун мўлжалланган психотренинг дастури тажриба гуруҳидаги ўсмирлар жамоаси аъзолари ўртасида ташкил этилди. Бу эса ўсмирлардаги маълум бир экстремал вазиятларни, стресс ҳолатларни олдини олишда ижтимоий муҳитни ролини белгилаб берди.

Лазарус копинг-тест методикаси Ижтимоий-психологик сўровномамизнинг “конфронтация”, “масофа сақлаш”, “ўз-ўзини назорат қилиш”, “ижтимоий қўллаб-қувватлашни излаш”, “жавобгарликни қабул қилиш”, “Ўзини четга олиш”, “муаммони ҳал қилишни режалаштириш” ва “ижобий баҳолаш” мезонларида юқори даражадаги статистик фарқлар кузатилди. “Ижтимоий қўллаб-қувватлашни излаш” мезони бўйича (13,92 ва 19,62) ўсмирларда ижобий натижаларни қайд этилди. Бунда муаммони ташқи (ижтимоий) ресурслар ёрдамида яъни, инфорацион, эмоционал, амалий қўллаб-қувватлашни излаш орқали бартараф қилишга интилишга қаратилган мотивацион ҳаракатлар яққол кузатилади. Бу эса одамлар билан ўзаро алоқадорликга йўналган, улардан рағбат, эътибор, маслаҳат, ҳамдардлик, аниқ амалий ёрдам кутиши билан характерлидир. Мазкур “Ўз-ўзини назорат

қилиш”лик мезони бўйича (12,54 ва 17,51 ҳам ўсмирларда маълум бир ижобий ўзгаришлар кузатилди. Бу натижалар таҳлили шундан далолат берадики, бор эътиборини муаммони ечишга алоқадор негатив йўналганлик ва туйғуларини босим остида ушлаб туриш, хулқ-атвор стратегияларини танлаш ва уларни вазиятни адекват идрок қилишга йўналтириш стрессларни енгишга бўлган юқори даражадаги интилувчанлик сифатлари кўзга ташланди.

Сўровноманинг “конфронтация” ва “муаммони ҳал қилишни режалаштириш” мезонлари бўйича ҳам ўсмирларда нисбатан юқори кўрсаткичлар қайд этилди. Лазарус копинг-тест методикаси бўйича коррекцион ривожлантирувчи тренинг дастуридан сўнг, “конфронтация” мезони 10,17 дан 14,71 балга ошди. Яъни, ўсмирлардаги “конфронтация” мезони муаммони ҳал қилишда мақсадли эмас мавжуд муаммонинг аниқ ҳолатига кўра ечим топади. Кўпинча конфронтация ноадаптив стратегия сифатида қаралиб бунда шахс қийинчиликларга нисбатан ўртача қаршилиқ кўрсатади, яъни, ўзининг шахсий қизиқишларини четга суриб муаммоли вазиятни ғайрат ва уддабуронлик билан ҳал қилади. Демак, ўсмирларда “конфронтация” мезони қанчалик юқори бўлса, улардаги психологик муҳофаза шунчалик юқори даражада шаклланад экан. Ўсмирлардаги “муаммони ҳал қилишни режалаштириш” мезонини муаммони бартараф қилишда вазият таҳлилига йўналган ҳолда имкон қадар турли даражаларга намоён этилади ва бунда ҳар бир ўсмир муаммони ҳал қилиш стратегиясини ишлаб чиқишда ўзи аввал орттирган тажрибалари ва ресурслари ёрдамида, объектив шар-шароитда шахсий иш режасини тузиб чиқади.

Ушбу таҳлиллар кўлами Лазарус копинг-тест методикаси бўйича олинган натижаларнинг бир мунча самарадорлигидан далолат беради.

7 - жадвал

Тажриба ($n_1=320$) ва назорат ($n_2=330$) гуруҳидаги ўсмирларда копинг-стратегиялар шаклланишининг умумий-қиёсий даражалари

Тадқиқот объекти	Даражалар											
	Экспериментгача						Экспериментдан сўнг					
	Қуйи		Ўрта		Юқори		Қуйи		Ўрта		Юқори	
	N	%	N	%	N	%	N	%	N	%	N	%
“Тажриба гуруҳи $n_1=320$ ”	159	49,6	94	29,5	67	20,9	97	30,3	105	32,9	118	36,8
“Нazorат гуруҳи $n_2=330$ ”	162	49,2	87	26,3	81	24,5	137	41,5	99	30,2	94	28,3

Кўлга киритилган эмпирик маълумотлар таҳлили умумий ҳолатда “тажриба” ва “назорат” гуруҳлари орасида ҳам сезиларли даражада фарқлар мавжудлигини кўрсатди (7-жадвал).

Бинобарин, “тажриба” гуруҳи ўсмирлар орасидаги “юқори” даражали копинг-стратегиялари 67 нафардан 118 нафарга ошганлиги билан мос равишдаги “Қуйи” даража кўрсаткичлари эса 159 нафардан 159 нафарга

тушганлиги билан характерланса, “назорат” гуруҳи респондентларида эса копинг-стратегиялари “юқори” даражалари орасидаги тафовут деярли мавжуд эмаслигини кўрсатди (жадвалга қаралсин). Бу эса ўсмирлардаги копинг-стратегиялари ўзгаришининг конструктив таъсирини ошириш бўйича олиб борилган психокоррекция дастурларимизнинг бирмунча самара бераётганлигидан гувоҳлик беради.

8-жадвал

1-танлама (тажриба гуруҳи) n₁=320	X_i n _i	Қуйи 97	Ўрта 105	Юқори 118
2-танлама (назорат гуруҳи) n₂=330	Y_i n _i	Қуйи 137	Ўрта 99	Юқори 94

Айни пайтда, тажриба ва назорат гуруҳлари учун модал қийматлари мос равишда $M_t = 5,4$ ва $M_n = 3,2$ ни ташкил этади. Демак, $M_t > M_n$. Бу эса, ўз навбатида, мазкур танламалар учун мос ўрта қийматлар ҳам $X > Y$ шартларни қаноатлантиришини олдиндан тасдиқлайди. Мазкур статистик таҳлиллар қуйидаги формула асосида келтирилганда тажриба гуруҳидаги ижобий кўрсаткичлар миқдори назорат гуруҳидаги мазкур кўрсаткичлар миқдоридан юқори эканлигига аниқлик киритилди $X > Y$.

$$\bar{X} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i x_i = \frac{1}{320} (97*5 + 105*4 + 118*3) = \frac{1}{320} (485 + 420 + 354) = \frac{1259}{320} = 3,93$$

$$\bar{Y} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i Y_i = \frac{1}{330} (137*5 + 99*4 + 94*3) = \frac{1}{330} (685 + 396 + 282) = \frac{1363}{330} = 4,01$$

Мазкур натижаларга асосланиб, тадқиқот давомида ўсмирлар билан олиб борилган психокоррекция ишларимизнинг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

$$\bar{X} = 3,93; \quad \bar{Y} = 4,01; \quad \Delta_m = 0,003; \quad \Delta_n = 0,003;$$

Бунда сифат кўрсаткичлари:

$$K_{1=(\frac{X - \Delta m}{Y + \Delta n})} = \frac{3,96 - 0,003}{4,01 + 0,003} = \frac{3,957}{4,013} = 0,98 < 1$$

$$K_2 = (\bar{X} - \Delta m) - (\bar{Y} - \Delta n) = (4,01 + 0,003) - (3,96 - 0,003) = 4,013 - 3,957 = 0,056 > 0$$

Олинган натижалардан тадқиқот давомида олиб борилган психокоррекция дастур самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан кичиглиги ва ўсмирларда копинг стратегиялар умумий ҳолда баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бу эса тажриба гуруҳида олинган барча эмпирик кўрсаткичлар миқдорининг назорат гуруҳларидаги кўрсаткичлар миқдорига нисбатан юқори эканлигини тасдиқлайди. Олиб борилган назарий ҳамда эмпирик таҳлиллар ўсмирларда копинг стратегияларни ривожлантиришга оид олиб борилган диагностик ва психокоррекция усулларни қўллаш орқали адекват баҳо бериш мумкинлигини кўрсатди.

ХУЛОСА

Юқоридаги назарий ва эмпирик таҳлиллар асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1.Ўсмир шахсининг стрессли вазиятларга психологик тайёргарлиги, унинг стрессли вазиятларни тўғри баҳолаши, эмоционал ҳолатларга берилмаслиги, унинг ҳаёт-фаолиятида муваффақиятга эришиши билан боғлиқ концептуал масалаларни чуқур ўрганишда копинг хулқ-атвор ва стрессни енга олиш стратегияларини муҳим омил ҳисобланади. Бироқ, стрессли вазиятлар ўсмир фаолиятини кескин ўзгартиришга қодир воқелик сифатида салбий кечинмаларни шаклланишига сабаб бўлиши мумкин.

2.Узоқ ва яқин хориж ҳамда мамлакатимиз психологиясида стрессли вазиятлар ва эмоционал ҳолатларнинг юзага келиши, унинг кечиши, йўналганлиги ҳамда субъект фаолиятида шаклланиши тадқиқ қилинган бўлса-да, аксарият муаллифлар эмоционал ҳолат сифатида стрессни келтириб чиқарувчи омилларни ўрганиш билан чекланиб қолганлар.

3.Лазарус копинг-тести ёрдамида олиб борилган тадқиқот натижалари ўсмирлардаги копинг хулқ-атворнинг намоён бўлиш даражаларини, жумладан ўсмирларнинг конфронтацион копинг, масофа сақлаш, ўз-ўзини назорат қилиш, ижтимоий қўллаб-қувватлашни излаш, жавобгарликни қабул қилиш, ўзини четга олиш, муаммони ҳал қилишни режалаштириш, ижобий баҳолаш билан боғлиқ копинг хулқ-атвор кўрсаткичларини аниқлаш имконини берди. Бу борадаги олинган маълумотларда ўсмирлик даврининг бошланиш даври учун ҳам, охириг босқичи учун ҳам ҳарактерли бўлган қуйи, юқори, ўрта даражаларнинг мавжудлиги ва унинг ўзига хос шаклда таркиб топаётганлигини кузатиш мумкин.

4.Стресснинг трансакт моделларига хос енгил омилларига шахсининг физиологик ва типологик хусусиятлари, когнитив жараёнлар ва шахсдаги ҳиссий-иродавий сифатлар, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, моддий таъминланганлик, стресснинг интегратив модели доирасига кўникмалари ривожлантириш билан белгиланади ва баҳоланади. Стрессни енгил билан боғлиқ стресснинг салбий таъсирини копинг-стратегияларини камайтирадиган, айнан ўзига ишонч, ўзини ва бошқаларни қабул қилиш, жисмоний саломатлик, муаммоларни ҳал қилиш кўникмаси, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, стрессни ва зўриқишни назорат қилиш кўникмалари ва амалий-психологик релаксация воситалари орқали ривожлантириш мумкин.

5.Стрессли вазиятларда ўсмир эмоционал ҳолати ўзгаришининг олдини олишга йўналтирилган ижтимоий-психологик тренингдан олдинги ва кейинги олинган натижалар таҳлили тренинг машғулотларининг ижтимоий психологик жихатдан самарадорлигини кўрсатди. Бу эса ўсмирларнинг вазиятли-амалий ва ҳаётий ёндашувлари, баҳс-мунозаралари, фикр эркинлиги улар орасида физиологик ҳамда маънавий-психологик кўринишдаги ўзаро бирлашиш, умумийлик, яқдилликнинг намоён этилиши билан алоҳида аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларига асосланиб қуйидаги амалий тавсиялар тақдим этилади:

1. Ўсмирларда психологик муҳофазани шакллантириш учун ўзини-ўзи бошқариш, назорат қилиш, ҳиссий-эмоционал барқарорлик, муваффақиятга эришиши, психологик механизм омилларини ва шахс хусусиятларини ҳисобга олиш лозим.

2. Тадқиқот доирасида тавсия этилган диагностик ва коррекцион методикалар, психотренинг дастурлари ҳар бир ўсмирга психологик тавсифнома тузиш, ҳар бир ўсмирдаги стресс ҳолатлари келиб чиқиши билан боғлиқ мотивацияларни аниқлаш ва тадқиқ қилишда алоҳида аҳамият касб этади.

3. Тавсия этилган методикаларнинг имкониятлари ёрдамида ҳар бир ўсмир шахсида шаклланаётган ички депрессия ва стресс ҳолати даражалари, ўсмирларда енга олиш стратегиялари ривожлантириш турли даражадаги қийинчилик босқичларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

4. Психологик муҳофазани шакллантириш орқали ўсмирлардаги ҳиссий-эмоционал барқарорликни таъминлаш, хавотирлик даражасини эса камайтириш мумкин экан.

5. Стрессли вазиятларни муваффақиятли енгиш ва унинг салбий оқибатларини бартараф этишда ўсмирлар учун тузилган дастур имкониятларидан унумли фойдаланиш зарур.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD 03/30.12.2019 Psi.72.06. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ОСТОНОВ ЖАСУР ШОПИРЖОНОВИЧ

**СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ
ФОРМИРОВАНИЯ КОПИНГ-ПОВЕДЕНЧЕСКИХ ФАКТОРОВ У
ПОДРОСТКОВ**

19.00.05 – Социальная психология. Этнопсихология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПСИХОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2020.4.PhD/P228 в Высшей Аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб странице Научного совета (www.psi-ik.uz) и на информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: Баратов Шариф Рамазонович
доктор психологических наук, профессор

Официальные оппоненты: Хайитов Ойбек Эшбоевич
доктор психологических, доцент

Мухторов Эркин Мустафоевич
кандидат психологических наук, доцент

Ведущая организация: Каршинский государственный университет

Защита диссертации состоится «25» ноября 2022 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019 Psi.72.06 при Бухарском государственном университете (Адрес: Бухара, улица Мухаммеда Икбола, 11. Тел.: (0365) 221-29-14; факс (0365) 221-27-07; административный корпус Бухарского государственного университета, конференц-зал 2 этажа).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета (зарегистрирована за № 2). (адрес: г.Бухара, ул. Мухаммеда Икбола, 11, Бухарский государственный университет).

Автореферат диссертации разослан «11» ноября 2022 года.
(протокол реестра № 2 от «11» ноября 2022 года.



О.Х. Хамидов
Председатель научного совета по
присуждению ученой степени, доктор
экономических наук (DSc), профессор

А.М. Назаров
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
философии по психологическим наукам
(PhD), доцент

У.Д. Кодиров
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, доктор психол.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире проблема копинг-поведения всегда была одной из самых актуальных проблем, стоящих перед человечеством. Ведь от положительного решения этой проблемы во многом зависит социальное развитие человека, его активность как личности и саморазвитие.

Особое внимание в мире уделяется достижению новых социально-психологических результатов за счет применения современных инновационных методов исследования психологических возможностей подростков. В настоящее время, когда члены общества достаточно осведомлены о своих психологических возможностях, достижениях и недостатках в определенном диапазоне, это предоставляет им возможность с легкостью справляться с различными трудностями, с которыми они сталкиваются в жизни, более эффективно использовать свои возможности, формировать более глубокие представления о себе.

В связи с тем, что в последние годы в нашей республике в повседневной жизни существуют психологические проблемы и противоречия, человек постоянно стремится преодолевать трудности и сопротивление в различных формах, приспосабливаться к ситуации и преодолевать конфликты. С другой стороны, поведенческие стратегии психологического копинга служат для того, чтобы человек привык к сложившейся сложной ситуации. Стратегии преодоления трудностей отдельно характеризуются тем, что человек ориентируется на управление внешними или внутренними факторами, проявляя силу поведения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени окажет практическое содействие выполнению задач, отраженных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы»³ от 28 января 2022 года, №УП-5106 «О повышении эффективности государственной молодежной политики и поддержке деятельности Союза Молодежи Узбекистана» от 7 июля 2017 года и других нормативно-правовых документах, касающихся данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития республиканской науки и техники I. «Социально-правовое, экономическое, культурное, духовно-просветительское развитие информатизированно общества и демократического государства, развитие инновационной экономики».

Степень изученности проблемы.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ - 60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида

До сих пор большинство экспертов в этой области в своих исследованиях изучали некоторые аспекты проблем механизмов психологической защиты. В частности, в рамках формирования возможностей психологической защиты подростков в нашей стране на основе социальных представлений провели ряд ряд высокоуровневых научных исследований В.М.Каримова и ее ученики, Г.Б.Шоумаров и его ученики, механизмы психологической защиты у подростков, в рамках динамики психического развития у подростков Э.Газиев и его ученики, в рамках исследования подростковой автономии, а также коррекции эмоционального состояния спортсмена в казусных ситуациях Ш.Баратов и Н.Сафоев, а также их ученики. Научным сотрудником А.Х.Убайдуллаевым защищена кандидатская диссертация, связанная с чувством опасности у молодежи.

Работы таких русских ученых как А.Н.Леонтьев, А.В.Петровский, В.С.Мерлин, В.В.Столин, В.Г.Каменская В.М.Русалов, Г.М.Андреева, Н.С.Лейтес, О.А.Конопкин, а также исследование Ивана Огнева под названием “Мотивация в системе психологической защиты и конфликтов” посвящена интерпретации механизмов психологической защиты. В частности, автор обосновывает существование у человека различных моральных взглядов под влиянием различных конфликтных ситуаций посредством определенных защитных механизмов “Эго-защиты”.

В научных исследованиях таких зарубежных ученых как Г.Оллпорт, Д.Майерс, Э.Кречмер, З.Фрейд, К.Томас предоставляются комментарии по этой проблематике. Тем не менее, ни в одном из вышеперечисленных исследований стратегии копинг-поведения в подростковом возрасте и его специфические социально-психологические аспекты не изучались как отдельный предмет исследования. Все это, на наш взгляд, диктует неизбежность дальнейшего углубленного изучения, исследования на научно-практической основе специфических социально-психологических особенностей в рамках копинг-стратегий поведения и преодоления, характерных на сегодняшний день для каждого подростка.

